


“ТАСДИКЛАЙМАН”

Фарғона вилояти ҳокимининг

Жамоатчилик

назорати Кенгаши раиси

 Х.А.Комилов

29.04.2025 йил

**Жамоатчилик нazorати Кенгашининг 2025 йил 1-чорак давомида
амалга оширган ишлари ҳамда 2-чорак билан ўз фаолиятимизни
режалаштириш юзасидан йиғилиш
БАЁННОМАСИ**

Фарғона шаҳри

2025 йил 29-апрел

Раислик килди: **Х.О.Комилов-Халқ** депутатлари Фарғона
вилоят кенгаши депутати, Жамоатчилик
кенгаши раиси.
З.Рахмонов-Жамоатчилик кенгаши раиси
ўринбосари. Маҳалла ва Нуронийлар
бошқармаси бошлик ўринбосари.

Иштирок этдилар: Шаҳар туман ҳокимларининг Меҳнат фахрийси,
Жамоатчилик кенгаши вакиллари (25 нафар)
вилоят ҳокимлиги фаоллари (рўйхат илова
этилади).

КУН ТАРТИБИ:

1. 2024 йил 23-октябр кунги Фарғона вилояти ҳокимининг 569-11-0-Q/24
сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари рўйхатини
таништириш.
2. 2025 йил 1-чорак давомида амалга оширилган ишлар ҳамда
2-чоракдаги вазифаларни белгилаб олиш.

*Х.О.Комилов-Халқ депутатлари
Фарғона вилоят Кенгаши депутати,
Жамоатчилик кенгаши раиси.*

Йиғилиш раиси Х.А.Комилов йиғилиш катнашчиларига кун тартибидаги масалалар билан таништирди

Раис ўз маърузасида 2024 йил 23-октябр кунги Фарғона вилояти хокимининг 569-11-0-Q/24 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари рўйхатини қайтадан шакиллантирилганлиги ва ушбу рўйхатга киритилган аъзолар ҳамда уларни меҳнат фаолияти юзасидан ҳисобот берди. Раис ўз маърузасида вилоятимизда узоқ йиллар юртимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилган катта тажрибага эга инсонларни ушбу кенгашга аъзо бўлганлиги албатта бу қувонарли ҳоллигини такидлади. Йиғилиш давомида албатта бу фидоий инсонларимиз босиб ўтган меҳнат фаолияти давомида юртимиз равнақига ҳисса қўшганлиги ва келажак ёшларни тарбиялаш ҳамда вилоятимизниг барча соҳаларини ривожлантиришда тажрибаларидан фойдаланиш бош мақсад эканлиги такидланди. Раис ўз сўзида Кенгаш таркибига янги киритилган аъзолар меҳнат фаолиятига мувофақиятлар тиланди.

Йиғилиш давомида Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар албатта режа асосида кетаётганлиги. Бугнги кунда режага киритилган мактаб ва мактабгача таълим соҳасидаги ислохатларни бориши сифатли таълим тизимини ҳолати ва ўқувчилар ҳамда боғча тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар кенгаш вакиллари томонидан атрофлича ўрганилганлиги ва вилоят ҳокими томонидан ҳукумат соатида муҳофаза қилинганлиги такидлаб ўтилди. Қишлоқ хўжалигидаги пахта мавсумига чигит экиш, ғаллани йиғиб олиш, бозорлардаги нарх наволарини кескин ошиб кетиши юзасидан доимий назорат олиб бориш режаси ҳақида тизимли ишлар олиб бориш кераклиги такидланди. Юқорида айтиб ўтилган йўналишдаги ишларни ва мавжуд муаммоларни олдини олишда албатта тизим раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш ва камчиликларни бартарф этиш юзасидан аниқ таклифлар режалар ишлаб чиқилиб вазифалар белгилаб берилди.

Кун тартибидаги қўрилган масалалар ва билдирилган таклифлар ва мулоҳазалардан келиб чиқиб Жамоатчилик Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. 2024 йил 23-октябр кунги Фарғона вилояти хокимининг 569-11-0-Q/24 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари рўйхати таништирилганлиги ижро учун қабул қилинсин.
2. 2025 йил 2-чоракдаги амалга оширилган ишлар ва тасдиқланган режа асосида Бешариқ Фурқат ва Ўзбекистон туманлари бозорлар фаолияти юзасидан ўрганиш олиб борилсин.
3. Белгилаб олинган вазифаларни ижросини таъминлаш ва назоратини ўз зимамда қолдираман.

Йиғилиш котиби:



Х.Рахмонов